

ИП-5 ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ ГАЗ НИҚОБНИНГ ТЕХНИК ТАВСИФИ ЙЎРИҚНОМА

*Чирчиқ ОТҚМБЮЗТҚТ ишлатиши ва тиклаш
кафедраси цикл бошлиғи Т. Р. Хатамов*

Курсантларнинг жанговар машиналарда чуқур кечувлар, сув остида, сузиш ҳолатида ва олиб ўтиш воситаларида сув тўсиқларни моҳирона кечиб ўтишни ўргатиш, изоляцияловчи газ ниқобнинг вазифаси, таркиби ва техник маълумотларини, тузилиши ва ишлаш принципини ўргатишда жуда катта роль ўйнайди.

Изоляцияловчи газ ниқонинг тузилиши ва ишлаш принципини ўргатишдан мақсад курсантларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашдан иборат. Шунинг учун ҳам изоляцияловчи газ ниқонинг тузилиши ва ишлаш принципини ўқитиш жараёнида ҳарбий қисмларда ўргатишни ташкил қилиш ва ўқитишга катта аҳамият берилиши кераклиги барчага маълум.

Сув тўсиқларини кечиб ўтишни ўргатиш ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган:

- жанговар машиналар экипаж мухандис-разведка дозорининг, қутқарув-эвакуация гуруҳларнинг шахсий таркибини (ҳайдовчиларни) тайёрлаш;
- жанговар машиналарнинг моддий қисмларини тайерлаш;
- қутқарув ва эвакуацион воситаларни тайёрлаш.
- **эвакуацион бўлинмалар қуйидагиларга мажбур:**

авария (ҳалокат) вазиятларда жанговар машиналарни эвакуация қилиш учун барча воситаларни жанговар ҳолатга ўтказиш ва ечишни тезкор ўрганиш;

йилнинг ва сутканинг барча вақтларида турли усуллар орқали жанговар машиналарни сувдан эвакуация қилишни қисқа вақт ичида ўрганиш.

- Чуқур кечувлардан ва сув остида сув тўсиқларни кечиб ўтишни ўрганиш фақатгина сув остида ҳайдашга жиҳозланган танклар билан қуролланган қисмларда амалга оширилади. Сузиш ҳолатида ҳайдашни

ўрганиш, сузишга мослашган жанговар машиналар билан қуролланган бўлинма ва қисмларда амалга оширилади. [1]

Изоляцияловчи газ ниқобнинг вазифаси, таркиби ва техник маълумотлари

1. ИП-5 изоляцияловчи газ ниқоби шахсий қутқарув-аврия воситаси ҳисобланади ва чўкган техникадан 1 м/сониягача тезликда эркин усули билан сузиб чиқиш учун ёки сув юзасига босқичма – босқич кўтарилиш усули билан чиқиш учун мўлжалланган.

Газ ниқоб нафас йўллари, кўз ва юз териларини ҳаводаги аралашмасидан қатъий назар захарли аралашмалардан химоя қилиш учун ва кислороднинг кам шароитларида ишлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

2. Изоляцияловчи газ ниқоб сув остида енгил ишларни бажаришга имконият беради.

3. ИП-5 изоляцияловчи газ ниқоб комплектига қуйидагилар киради (1 жадвал).

1. Жадвал

№ т/р	Комплектнинг таркибий қисмларининг номланиши	Сони
1.	ШИП-М юз қисми	1
2.	Нафас қопчаси ортиқча босимли клапан ва қўшимча кислород бериш мосламаси билан	1
3.	ДП-Т қўшимча кислород бериш брикети	2
4.	РП-5 Ренгенераторли патрон	1
5.	Кўкраклик тикин билан	1
6.	Ғилоф	1
7.	Сақлаш учун қопча	1
8.	Сумка	1
9.	Терламайдиган пленка (НП)	2 коробка
10.	Формуляр	1
11.	Техник тавсифи ва ишлатиш бўйича йўриқнома	1

4. Газ ниқобнинг техник тавсифи:

Тайёр комплект газ ниқобнинг оғирлиги	5,2 кг
Сумкага жойлаштирилган, габарит ўлчамлари	330x240x130 мм
Ҳаво оқими 1,5 л/дақ вақтида клапаннинг очилиш босими, кўп эмас	40 мм вод. ст.
Клапаннинг ёпилиш босими, кам эмас	10 мм вод. ст.
60 л/дақ ҳаво босимида клапаннинг қаршилиги, кўп эмас	100 мм вод. ст.
РП-5 патронинг 60 л/дақ ҳаво босимида клапаннинг қаршилиги, кўп эмас	15 мм вод. ст.
Газ ниқобда енгил шамоллатишда 30 л/дақ нафас органларига қаршилиги, кўп эмас	80 мм вод. ст.
Сийраклашган вақтда газ ниқобнинг зич ёпилганлиги	200 мм вод. ст.
Рухсат этилган сийраклиги	6 мм вод. ст.
РП-5 патронининг юза қисми ишлаш ҳарорати, кўп эмас	120 ⁰ С

Газ ниқобда ишлаш вақти жисмоний юклама ва бир регенераторли патронга аниқланади:

Куруқликда:

ўрати жисмоний юкламада (юриш, кичик деталларни ўрнатиш, механизмларни ростлаш ва хизмат кўрсатиш, индикаторли асбоблар билан ишлаш) – 75 дақиқа;

енгил жисмоний юкламада (жихознинг техник кўриги, асбобларнинг кўрсаткичини кузатиш, тинч ҳолатда туриш) – 200 дақиқа;

Сувда: енгил жисмоний юкламада (чўкган машинада туриш, иш жойини ўзгартириш, люкларни очиш, юзага чиқиш, қирғоққа сузиб чиқиш) – 90 дақиқа;

тинч ҳолатда туриш – 120 дақиқа;

5. ИП-5 газ ниқобида рухсат этилган сув остига тушиш 7 м гача.

6. ИП-5 изоляцияловчи газ ниқоби қуриқликда ҳарорат минус 40 дан то плюс 50⁰ С гача ва сувда 1 дан 30⁰ С гача ишончли ишлайди.

7. Газ ниқобни жанговар ҳолатга ўтказилгандан сўнг терламайдиган пленкалар қўлланилмаса ҳар хил ҳароратда ҳам дарров кўз ойналари терлайди.

Сув остида ва ижобий ҳарорат шароитларида 120-180 дақиқа енгил ишларни бажариш ў вақтида ва 90 дақиқадан кам эмас вақтда ўрта ишларни бажариш терламайдиган пленкаларни қўллаш ойналарнинг аниқлигини

сақлайди.

Салбий харорат шароитларида 60 дақиқа енгил ишларни бажариш ў вақтида ва 30 дақиқагача вақтда ўрта ишларни бажариш терламайдиган пленкаларни қўллаш ойнакларнинг аниқлигини сақлайди.

ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ ГАЗ НИҚОНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

1. Қўллаш учун тайёрланган ИП-5 изоляцияловчи газ ниқоби (1 расм) юз қисмидан 1, нафас қопчаси 3 ғилоф билан, кўкрака илинадиган 4 ва регенератив патрондан 5 ташкил топган.


2. ШИП-М юз қисми (2 расм) нафас олиш ва кўриш органларини атроф мухитдан, регенератор патронига газ аралашмали хаво чиқиш йўналишини изоляция қилиш учун, карбонат ангидрит газини тозалаш, сув патронлари ва нафас органларига кислородга бойитилган газ аралашмаларини йўналтириш учун хизмат қилади.[1]

Юз қисми кўз ойнак билан шлемдан 1, уланиш трубкаларидан 4, бураладиган гайкадан 5, ниқоб остгисидан, обтюратордан 7 ва қотириш тизимларидан 9, 10, 11 ташкил топган.

Шлем 1 барча деталларни ўрнатиш, кўриш ва нафас органларини изоляция қилиш учун хизмат қилади. Обтюратор 7 атроф мухитдаги нафас тизимларидан газ чиқишини тўхтатиш учун мўлжалланган. Маска ости 6 кўзойнак ойналарининг терлашини пасайтиради ва шлемдаги зарали мухитни камайтиради. Қотириш тизими сув ости шароитида юз қисми герметизация даражасини ошириш ва сув остидан сузиб чиқиш вақтида унинг узилишининг олдини олиш учун хизмат қилади ва тўқадан ташкил топган. Гофирилланган улаш трубкаси 4 РП-5 патрони билан нафас қопчанинг ичида жойлашган трубка орқали юз қисмини улаш учун хизмат қилади.


Юз қисмининг ташқи тамонида кўзойнак метал қисиш халқалари билан қотирилган. Кўзойнакларнинг ички қисмида терламайдиган пленкаларни

сиқиб туриш учун сиқиш халқалари бор.



1. Расм. ИП-5 изоляцияловчи газ ниқоб:
1-ШИП-М юз қисми; 2-ғилоф; 3-нафас қоғи; 4-қўқракга илгич; 5- РП-5 регенератив
патрон.

3. Нафас қоғи (3. расм) нафас газ аралашмалари учун резервуар бўлиб хизмат қилади. Нафас қоғи прорезиненли матодан тайёрланган халқа шаклдаги идишни 1 ташкил этади. Қопда олти фланецлар мавжуд: учта тўғри ва учтаси ағдарилган. Ағдарилган фланецларга қўшимча кислород 3 бериш мосламаси ва ортиқча босим чиқариш клапани 2 ўрнатилган. Тўғри фланецларга накидли гайка ва икки нипел пона 7 қотирилган. Накидли гайкалар нипели нафас қоғидан ўтувчи гофирланган трубка 6 ёрдамида понили никелларнинг бирига герметик уланган. Қопнинг пастки тамонига олти тасма 4 ёпиштирилган. Тасмалар нафас қоғини газ ниқоб кўқракка илгичига қотириш учун хизмат қилади.[1]




2. Расм. ШИП-М юз қисми:

а) ташқи кўриниши; б) ички қисмидан кўриниши.

1- шлем; 2-кўзойнак ойнаси; 3-кўзойнак халқаси; 4-улаш трубкаси; 5-бураб олиш гайкаси; 6-маска ости; 7-обтюратор; 8-сиқиш халқаси; 9-қотиргич; 10-тасма; 11-камар.


Накидли гайкалар ёрдамида копга герметик равишда юз қисми уланади. Понали нипеллар билан нафас қопи герметик равишда регенератор патронлар билан уланади.



3- расм. Нафас қопи:

1-қоп; 2-ортиқча босим клапани; 3-қўшимча кислород бериш мосламаси; 4-тасмалар; 5-накидли гайка; 6-гофирланган трубка; 7- ниппель.

Нафас қопининг ичига ўрнатилган гофирланган трубка 6, регенератор патронлари билан юз қисмини улаш учун хизмат қилади..Ортиқча босим клапани (4 расм) сув ости ва қуруқликда ишлаганда нафас тизимидан ортиқча газларни чиқариш учун, ҳамда газ ниқобни сув остида барча ҳолатларида автоматик равишда нафас олиш учун керакли газ ҳажмини нафас қопида ушлаб туриш учун хизмат қилади.



4.Расм. Ортиқча босим клапани:

1-клапан ўрнатиладиган қисми; 2-клапан; 3-корпус; 4-шайба; 5-марказ 6-ростлаш шайбаси; 7-қопқоқ; 8-гайка; 9-юк; 10-пружина; 11-мембрана.

Ортиқча босим клапани тури мембрана турли. Атроф муҳит босимиға нисбаттан нафас тизимида белгиланган босим ошиши билан газ чиқиши содир бўлади. Клапан корпуси 3 герметизция қилинган “а” клапан ўрнатиладиган қисмгаэга, клапан ўрнатиладиган қисм эгарга “б” эга. Клапан ўрнатиладиган қисмга “а” мембрана 11 пружина 10 билан қаттиқ марказ 5 орқали жипслаштирилган. Клапаннинг 2 герметизациялиги клапан ўрнатиладиган қисм билан “б” клапан резиналарининг эгилувчанлиги ҳисобида содир бўлади. Клапан 2 нафас қопини сув киришидан ёки клапан ўрнатиладиган қисмга мембрананинг герметиксиз жиплаштирилганлигида захарланган ҳаво киришидан сақлайди.

Юк 9 ўзининг оғирлиги таъсирида қопқоқда 7 эркин ҳаракатланади, нафас қопининг бурилиш бурчагига боғлиқ ҳолда клапан ўрнатиш қисмига

мембраналирни жипслаштириш кучи катталигини равон ўзгаришини таъминлайди. 5 расмда кўрсатилган юк қаттиқ марказ орқали мембранани эгарга максимал куч билан жипслаштирилган ҳолати (қопқоқ тепага). Бу ҳолатда сақлаш клапани сув остида одам елка ҳолатида газ аралашмалари ҳажмини нафас олиши учун сақлаб туради.

Пружиналарнинг кучланишини ростлаш шайбалар 6 сонини танлаб олиш билан амалга оширилади.

Қуруқликга чиқгандан сўнг клапандан сув тўкиш учун қопқоқнинг ён тамонида дарча, юкда эса икки тамони очиқ туйнук бор.


Шайба 4 мембранани 11 қопқоқни⁷ бураб олиш вақтида буралиб ечилишидан химоя қилади. Гайка 8 қопқоқнинг 7 ўзидан ўзи буралишининг олдини олади.

4. Қўшимча кислород бериш мосламаси (5.расм) сув остида чуқур нафас олинганда газ аралашмалари етмаган ҳолатларда қопни кислород билан тўлдириш учун хизмат қилади. У нафас қопининг тескари бўлган фланецига ўрнатилади.

Қўшимча кислород бериш мосламаси қуйидаги тарзда ишлайди. Газ ниқоб сув остига чўкган вақтда диафрагманинг 6 тирқиши орқали ички бўшлиғига сув киради. Винт 8 ва диафрагмани бармоқ билан охиригача босганда диафрагма тирқиши беркилади ва клапан чўктирилади, сув брикетга 2 тўкилади ва охири ёйилади. Диафрагмалардан бармоқ олинганидан сўнг пружиналар 7 таъсири остида клапан дастлабки ҳолатига қайтади. Брикет ёйилиши натижасида ажралган кислород филтр 1 ва гулбаргли клапан орқали ўтиб, нафас қопига киради.[1]

Филтр 1 брикет ёйилиши натижасида ажраладиган ишқор чанглари ва қаттиқ озиқаларнинг нафас қопига тушишидан химоя қилади. Гулбаргали клапан 13 нафас қопидан сув буғларини брикетга тушишидан химоя қилади.

Қўшимча кислород берувчи брикет (6. расм) корпус 2 ва гайкадан 1 ташкил топган пластмассали қутида етказилади. Корпус ва гайканинг герметик зичланганлиги резинали зичламалар орқали таъминланади.




5. Расм. Қўшимча кислород бериш мосламаси:

1-фильтр; 2-қўшимча кислород бериш брикети; 3-клапан ёстиғи; 4-прокладка; 5-клапан эгари; 6-диафрагма; 7-пружина; 8-винт; 9-химоя қопқоғи халқа билан; 10-гайка винт билан; 11-клапан штоги; 12-мослама корпуси; 13-гулбаргли клапан


Алмаштириладиган стакан 3 брикет билан кутидан олинади ва мосламанинг корпусига ўрнатилади. Алмаштириладиган стака ичида брикетнинг 6 ҳаракатланишидан сақлаш учун тўрли ён деворига 7 сиқиш халқалари 5 ва паст қисмига тиргак 4 қотирилади.

5. РП-5 регенератив патрон (7. расм) керакли микдорда нафас олиш учун кислород олиш, корбонат ангидрит газларини ва чиқарилган газ аралашмаларидан намни ютиш учун хизмат қилади.



6. Расм. ДП-Т қўшимча кислород бериш брикет:

1-гайка; 2-корпус; 3-алмаштириладиган стакан; 4-тиргак; 5-сиқиш халқаси; 6-брикет; 7-тўрли ён девори



7. Расм. РП-5 Регенератив патрон:

1-корпус; 2-тиқин; 3-ампула; 4-ишга тушурувчи қурилма; 5-нипелл ини; 6-прокладга; 7-пломба

Регенератив патрон регенератив махсулот билан тўлдирилган, ичкарасида секциялар жойлашган корпусдан 1 ташкил топган.

Секциялар оралиғида ишга солувчи брикет ўрнатилган. Ишга солувчи брикет газ ниқобни ишлатишнинг биринчи дақиқасида нафас олиш учун керакли кислород ажратишни ва қиздириш йўли билан озуқа ишини


жадаллаштиришни таъминлайди.

Ишга тушириш брикети ампуланинг таг қисми тешилишида тўкиладиган олтингугурт кислотаси ёрдамида ишга туширилади.[1]

Ампулаларни эзиш (тешиш) ишга тушириш қурилмаси (8. расм) ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун корпус 6 тирқишидан шплинт 4 чиқгунча халқа 5 олдинган тортилади ва кронштейн ўнг тамонга 60^0 га буралади. Шток 7 илгакдан чиқади, пружина 2 босим остида пастга тушади, резинали ампула тегини тешиши учун керамик пичоқни 2 (9. расм) босади.


Регенератор патроннинг (7 расмга қара) юқори қопқоғида резинали прокладкалар 6 билан нипелнинг 5 икки тешиги бор. Патронларни транспортировка қилиш ва сақлаш вақтида бу тешиклар тикин 2 билан ёпилади. Тикинлар ва ишга тушириш қурилмаси 4 тайёрлаш заводи тамонидан пломбалар 7 билан пломбланади. Пломбалар ва тикинларни газ ниқобга патронни ўрнатишдан олдин ечишга рухсат этилади.

Газ ниқобни ишга тайёрлаш вақтида тикинлар ечилади ва уяга нафас қопининг нипелли 7 (3 расмга қара) уланади.



8. Расм. Ишга тушириш қурилмаси:

1-штуцер; 2-пружина; 3-кронштейн; 4-шплинт; 5-халқа; 6-корпус; 7- шток




9. Расм. Резинали ампула:

1-диафрагма; 2-пичок; 3-отс қисми; 4-ишқор; 5-подкладка; 6-қолпоқча

6. Кўкракка илгич (10. расм)газ никоб тугунларини қотириш, ҳамда одам танасига газ никобни жойлаштириш ва қотириш учун хизмат қилади. Кўкракка илгич мустахкам резина аралаштирилган материалдан тайёрланган.

Кўкракка илгичнинг пастки қисмида регенератор патронларни жойлаштириш учун иккита чўнтак 3 бор. Патрон тўқали 1 камар 2 билан қотирилади. Юз қисмини юриш ҳолатида қотириш учун тасма 4 штир билан ва тугмали турникет хизмат қилади. Юз қисмини герметизация қилиш учун кўкракка илгичга тиқин 5 боғланади.



10. Расм. Кўкракка илгич:


1-тўқа; 2-камар; 3-патрон учун чўнтак; 4-кўкракка илгичга юз қисмини қотириш учун тасма; 5- тиқин; 6- кўкракка илгич; 7-ўтказиш тасмаси; 8- кўкракка илгичга нафас қопининг ҳаракатиланувчи планкаси; 9-тасма; 10-бел тасмаси

Кўкракка илгичнинг юқори қисмида катта тешиги бўлиб, газ ниқобни кийиш учун хизмат қилади. Катта тешикнинг атрофида ўнта тешик жойлишган, улар орсидан нафас қопининг тасмалари 4 (3 расмга қара) ўтади. Тасмаларнинг орасидан камар 9 ўтади, уларнинг охири кўкракка илгичнинг охиридан ўтади ва тўқа ёрдамида қотирилади.[1]

Одам танасига кўкракка илгични маҳкамлаш учун бел камари 10 ва ўтказиш тасмаси кўзда тутилган. Ўтказиш тасмасида ҳаракатланувчи планка 8 бўлиб, сув остида ишлаганда танани камар кесишини олдини олади.

7. Ғилоф (11. Расм) нафас қопини шикастланишдан химоя қилиш учун хизмат қилади. У резина аралашма матодан қоп шаклида тайёрланган.

Ғилофнинг пастги қисмида қисмларга ажратилган нафас қопини бирлаштириш учун жойи бор. Нафас қопи таҳлангандан сўнг ғилоф тилчалар билан тугмага 8 илдирилади ва кўкракка илгичга нафас қопи камарига 9 (10. Расмга қара) тасмалар 4 (3 расмга қара) ёрдамида маҳкамланади.



11. Расм. Ғилоф:


1-клапандан ҳаво чиқиш учун тешик; 2-нафас қопининг нақидли гайкаси ўтиши учун тешик; 3- нафас қопининг ниппели ўтиши учун тешик; 4-қўшимча кислород бериш мосламасига ўтиш тешиги; 5-нафас қопи тасмаси учун тешик; 6-ёрилиқ; 7-тилча; 8-тугма

Ғилофнинг икки тешиги 4 қўшимча кислород бериш мосламасига кириш учун, тўртта тешик 3 нафас қопининг ниппели ўтиш учун, тешик 2

накидли гайка ўтиши учун, тешик 1 сақлаш клапанидан газ чиқиши учун, ўн олтита кичик тешиклар 5 нафас қопининг тасмаси ўтиши учун тешиклар бор.

Ғилофнинг ён деворига резина аралашма матода ишлаб чиқариш заводи тамонидан газ ниқобнинг маркировка ёрлиғи тикилган.

8. Сақлаш учун қопча (12. Расм) текширилган газ ниқобни йиғиб упаковка қилиш учун мўлжалланган. Қўллаш учун тайёрланган газ ниқобни атроф мухитда тўлиқ изоляция қилишни таъминлайди. Қоп резина аралашма матодан тайёрланган. Эластик резанадан тайёрланган жгут 3 қопни мустахкам боғлашни таъминлайди. Ишлатиш жараёнида кўқисдан йўқолишидан жгутни тасма 2 ушлаб туради.



12. Расм. Сақлаш учун қоп:
1-қоп; 2-тасма; 3-жгут

9. Сумка (13. Расм) газ ниқобни олиб юриш ва қопни шикастланишдан сақлаш учун хизмат қилади. Сумка резина мато материалдан тайёрланган ва газ ниқобни солгандан сўнг ёниш учун тасмалар 9 билан клапан 7 бор. Бунинг учун сумка корпусида тўқа 8 бор. Клапаннинг ички тамонида терламайдиган пленкалар (НП) билан корбкачани жойлаштириш учун чўнтак тикилган.


Сумкани олиб юриш учун елка тасмаси 6 бўлиб, уни узунлиги бўйича ростлаш учун икки тўқа 4 ва бел камари 2 пружина 1 билан ва карабин 3 мавжуд.

10. ИП-5 газ ниқоби нафас органларини ароф мухитдан химоя

қилади. Нафас чиқарилган газлар аралашмаси газ ниқобда нам ва карбонат ангидрид газларидан тозаланиб, кислород билан бойитилади ва яна нафас учун киради. ИП-5 газ ниқобининг ишлаш принцини схемада кўрсатилган (14. Расм). Газ ниқобда нафас олиш маятникли схемага асосан амалга оширилади. Юз қисми 1 кийилган вақтда чиқарилган газ аралашмалари регенератив патронга 5луаш ва гофрланган трубкалар орқали ўтиб, нам ва карбонат ангидрид газларидан тозаланиб, кислород билан бойитилади ва кейин нафас қопига киради. Нафас олиш вақтида газ аралашмалари нафас қопидан тескари йўналиш бўйича регенератив патрондан ўтиб, карбонат ангидрид газларидан қўшимча тозаланади ва улаш трубкалари орқали нафас органларига киради.

Ортиқча газ аралашмалари тўхтамасдан ишлаган вақтларда регенератив патрондан ёки сувнинг юза қисмига сузиб чиқишда нафас тизимидан ортиқча босим клапани 4 орқали атроф мухитга чиқарилади.


Газ ниқобни жанговар ҳолатга ўтказилгандан сўнг нормал нафас олишни ва керакли нафас аралашмали газ таркиби билан таъминлаш учун ишга тушириш брикети 7 зудлик билан ишга туширилади. Иссиқлик ва нам таъсирида ишга туширувчи брикетнинг ёйилишидан ажралиш вақтида, патроннинг регенератив махсулоти нафас учун керакли миқдорда кислород арртиб чиқаришни бошлайди.



13. Расм. Сумка:

1-тўқа; 2-бел камари; 3-карабин; 4-тўқа; 5-чўнтак; 6-елка камари; 7-сумка клапани; 8-тўқа; 9-тасмача

Регенеатив патрон корбонат ангидрит гзларини ва нам ютган вақтда иссиқлик ажратади, шунинг учун патроннинг ишлаш жараёнида ва ундан ўтган газ аралашмалари қизийди.



14. Расм. ИП-5 изоляция қилувчи газ ниқобнинг ишлаш принцинал схемаси:
 1-юз қисми; 2-улаш трубкаси; 3-нафас қоғи; 4-ортиқча босим клапани; 5-гофирланган трубка; 6-регенератив патрон; 7-ишга тушириш брикети; 8-қўшимча кислород бериш мосламаси

Сув остида ишлаган вақтда нафас олиш газ аралашмаларининг камчилигини тўлдириш учун қўшимча кислород бериш мосламаси 8 хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Технические требования по использованию изолирующего противогаза ИП-5 в войсках» ВИ-1989 г.